



Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

# ХАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган



2002 йил 16 январь  
Чоршанба  
Сотувда эркин нархда  
№ 11 (2839)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

Ота-боболаримиздан бизга муқаддас мерос бўлган ягона Ватан туйғуси келажак авлодларимиз учун ҳам асрлар оша энг олий ҳақиқат бўлиб **КОЛСИН.**

## РЕСПУБЛИКА БАЙНАЛМИЛАЛ МАДАНИЯТ МАРКАЗИ ТАШКИЛ ЭТИЛГАННИНГ 10 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАЖЛИС ҚАТНАШЧИЛАРИГА

Хурматли ватандошлар!  
Қадри дўстлар!  
Сизларни ва бутун кўпмиллатли Ўзбекистон халқини Республика байналмилал маданият маркази ташкил этилганининг 10 йиллиги муносабати билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман. Ҳар бир давлат, ҳар қайси мамлакатнинг тараққиёт даражасини, халқаро майдондаги обрў-эътиборини белгилашда, аввало, ундаги тинчлик, барқарорлик ва фуқаролараро тотувликнинг нечоғли мустақам экани асосий мезон бўлиб хизмат қилиши барчамизга яхши маълум.

Шу муносабат билан мен сизларга мурожаат қилиб, алоҳида гуруҳ ва ифтихор билан таъкидлаб айтмоқчиманки, Ўзбекистоннинг бойликлари кўп, лекин бизнинг энг катта бойлигимиз, энг юксак қадриятимиз, бу — жамиятимизда ҳукм сураётган тинчлик, миллатлараро дўстлик ва ҳамжihatликдир.

Бугунги кунда дийримизда яшаётган, тенг ҳуқуқ ва имкониятларга эга бўлган юздан ортқи миллат ва элат вакиллари билан давлатимиз мустақиллигини мустақамлаш, овоз ва фаровон ҳаёт барпо этиши ишга муносиб ҳисса қўшаётгани ҳам бу ҳақиқатни яққол тасдиқлайди.

Азалдан мана шу қадимий ва муқаддас Ўзбекистон замида турли маданият ва цивилизациялар вакиллари билан ўзаро дўстлик ва ҳамжihatликда яшаб келган халқимиз табии ҳос бўлган меҳр-оқибатлик, тинчликсеварлик, очкичлик ва саховатпешалик каби ноёб фазилатларнинг янада кучайишида муҳим омили бўлди, десак асло хато бўлмайдик.

Ҳозирги мураккаб ва нотинч дунёда, ҳаётимизнинг барча соҳаларида, бизнинг демократик жамият кураши йўлидаги интилишларимизда бундай баҳоли фазилатлар, айниқса, бағрикенглик нечоғли муҳим ўрин тутганини изоҳлаб ўтиришга ҳоҳат йўқ, деб ўйлайман.

Бугун онгу тафаккуримиздан янада чуқур жой олаётган ватанпарварлик туйғуси бизга беқисс куч-қувват бахш этмоқда, узоқни кўра билишимизга, ўз кучимизга ишончимиз ортишига кўмаклашмоқда. Бу туйғу, аждодларимизнинг

ҳаётида бўлгани каби, даврнинг машаққатли синовларини биргаликда енгиб ўтишда, турли хавф-хатар ва таҳдидларга мардона қарши туришда ҳозирги авлодлар учун ҳам руҳий мадад бўлмоқда.

Ўзбекистон — улкан имкониятлар мамлакатини, ҳаммамизнинг умумий хонадонимиз. Шундай экан, биз бу саховатли юрт бойликларини сақлаш ва кўпайтириш билан бирга, энг муҳими, ўзаро тотувчилигимизни, ягона мусавффо осмон остида яшайдиган барча миллат ва элатлар асрлар давомида эзозлаб келаятган, барчамизнинг руҳан бойлигимизга хизмат қиладиган маънавий ва ахлоқий қадриятларни доимо ёдда тутиш, кўз қорачиғидек асраш лозимлигини асло унутмаслигимиз даркор.

Ҳеч муболағасиз айтиши мумкинки, мамлакатимизда истиқомат қиладиган ҳар бир халқ ва миллатнинг этник ўзига хослиги, тили, урф-одати, анъаналарини сақлашда муҳим роль ўйнайдиган миллий-маданий марказларнинг фаолиятини ривожлантириш учун бугун барча шарт-шароит ҳамда имкониятларни яратар эканмиз, бу билан биз одамларнинг тинч ва осойишта ҳаёти, эртанги кунга ишончининг мустақам пойдеворини бунёд этган бўламиз.

Мен сизларнинг турли миллат ва динга мансуб инсонлар ўртасидаги ўзаро хурмат ва дўстликни мустақамлаш, одамлар ҳаётини янада бой ва мазмунли қилиш борасида олиб бораётган ҳайрли фаолиятингизни бундан бунён ҳам сийқайиблик билан давом эттиришингизга қатъий ишонман.

Ота-боболаримиздан бизга муқаддас мерос бўлган ягона Ватан туйғуси келажак авлодларимиз учун ҳам асрлар оша энг олий ҳақиқат бўлиб қолсин.

Барчангизга халқ фаровонлиги йўлида амалга ошираётган олижаноб ишларингизда муваффақиятлар тилайман.

Қадрдонларим, сизларга мустақам соғлиқ, бахт-саодат ёр бўлишини, янги йилда барча истақларингиз рўёбга чиқишини тилаб қоламан.

Ислом КАРИМОВ,  
Ўзбекистон Республикаси Президенти

## ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ



Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 15 январь кунин Оқсаройда Япония Бош вазирининг махсус вакили, ушбу мамлакат ҳукумати-нинг собиқ раҳбари Йوشي-ро Мориини қабул қилди.

Мамлакатимиз раҳбари икки томонлама муносабатлар ва халқаро майдондаги вазиятга оид долзарб масалалар юзасидан фикр алмашиш имконияти туғилганидан мамнуният билдирди.

— Сизни Япониянинг Ўзбекистон билан ҳамкорлик алоқаларини ҳар томонлама ривожлантириш тарафдори бўлган нуфузли сиёсий арбоби, деб биларимиз. Сиз ҳукуматни бошқарган кезлари Токиода Ўзбекистоннинг кўргазмаси бўлиб ўтган эди. Унга ташриф буорганингиз бизни етганди. Биз сизнинг Ўзбекистонга самимий муносабатингиз, қизиқишингиз ҳамisha юқори эканини яхши биларимиз, — деди Ислом Каримов.

Учрашувда Й.Мори Президентимизга Япония Бош вазирининг мактубини топширди. Унда Япония ҳукуматининг Ўзбекистондаги иқтисодий ислохотларни янада кенгроқ қўллаб-қувватлашга тайёрлиги таъкидланди. Дарҳақиқат, Ўзбекистон билан Япониянинг иқтисодий ҳамкорлиги йил сайин ривожланиб бормоқда. Кунчиқар мамлакатининг иқтисодиётимизга киритган сармоияси ҳажми 1,5 миллиард АҚШ долларидан ошиб кетди. Ўзбекистонда Япония сармоияси билан ишлаётган корхоналар сони ўнганга, ушбу мамлакатдаги етакчи фирма ва компаниялар ваколатхоналарининг сони эса ўн еттигача етди. Шунингдек, мамлакатимизда Япониянинг Халқаро ҳамкорлик агентлиги (JICA) ҳамда Ташқи савдо ташкилотининг (JETRO) ваколатхоналари фаолият кўрсатмоқда.

Мамлакатимизга ташриф буорган Япония Бош вазири-нинг махсус вакили Йоширо Мори бошчилигидаги делегация вакиллари 15 январь кунин япон ҳарбий асирлари хотирасига пойтахтимизнинг Яққасарой туманида бунёд этилган ёдгорликни зиёрат қилди.

## ЯПОНИЯ ДЕЛЕГАЦИЯСИ ТАШРИФИ

Шунингдек, меҳмонлар Алишер Навоий номидаги давлат академик Катта театрида бўлди. Маълумки, ушбу театр қурилишида Япония фуқаролари ҳам иштирок этган. Шу кунин Й.Мори бошчилигидаги делегация аъзолари Тошкентнинг бошқарувида сазовор жойларини, ўзаро ҳамкорликда қурилган ва ташкил этилган айрим иншоот ва муассасаларни ҳам бориб кўрди. Театрнинг тарихи Давлат музейи, Олой бозори, Ўзбекистон—Япония маркази ҳамда Япон боғи меҳмонларда катта таассурот қолдирди.

Ў.А.  
СУРАТДА: қабул пайти.  
А.ТЎРАЕВ олган сураат.

Ў.А.

Биз битта дарахтнинг шохчаларимиз,  
Бир боғнинг туташган боғчаларимиз.  
Замин коинотда бир тоғ бўлса,  
Бир-бирин суяган тоғчаларимиз.  
Абдулла ОРИПОВ,  
Ўзбекистон халқ шоири.

## СЕМИНАР ЎТКАЗИЛДИ

Нукусда референдум ўтказувчи участка комиссиялари аъзоларининг семинари бўлиб ўтди. Унда Қорақалпоғистон Республикасида мавжуд овоз бериш участкаларида олиб борилаётган ташкилий ишлар, референдумни ҳар жиҳатдан юқори савияда ўтказиш учун белгиланган чора-тадбирлар ҳақида фикр алмашилди. “Ўзбекистон Республикасининг референдуми тўғрисида”ги Қонунни чуқур ва атрофлича ўрганиш, унга қатъий амал қилиш зарурлиги таъкидланди.

А.ОРТИҚБОВ,  
Ў.А. мухбири

## Миллий ғоя — бизнинг ғоя

# ЯШАШНИНГ ТАЯНЧ НУҚТАСИ

Одам руҳониятининг маркази — юрак, одам вужудининг маркази — унинг ақли, тафаккурининг маркази — миёна; ҳатто кексиз кўринган галактикамиз ҳам ўз марказига эга. У коинотда бизга қимир этмай турадигандай кўринади — олтин ҳолик — Кўтб юлдузи. Дунёда ҳеч нарса йўқми, у ўз марказини ташкил қилмаган бўлсин. Кичкина тарих уруғидан тортиб, кўринмас заррагача ҳаммасининг ўз маркази мавжуд. Мавжудлик бор экан, албатта, марказлашу ҳам бор. Бизнинг табиятда ҳеч нарса мумкин эмас. Бундан ҳамма нарсанинг ўрни йўқолади.

Унда одам табиат фарзанди экан, унга тўла маънода марказлашу хос экан, инсон маънавий-маърифий, руҳоний ҳаёти, борлигининг маркази нима? — деган табиий савол туғилади. Албатта шундай марказ бор ва унинг бўлмағуси мумкин эмас.

Шундай қилиб, ҳар қандай маънавий, маърифат, руҳониятнинг маркази бизнинг назаримизда, бу — мафкура. Азал ҳақиқатларга сунадиған, азал ҳақиқатлардан келиб чиқадиган, азал ҳақиқатларини олган сурадиган ва ривожлантирадиган, ҳеч қандай чийоқ, олд-сотданга тобе бўлмаган мафкура... Мустабид, тоталитар тузумлар мафкуранинг қандай қудратга эга эканлигини яхши билган ҳолда ун ўз тор манфур сўбатларининг чийоқига айлантиришлар ҳам мумкин. Инсоният тарихи бунинг нақадар кўп аччиқ, аламли, ўта фожиали тажрибалардан хабардор, ўз бошидан кечирган. Инсоният яққажуқроқлик қарашларини остида ирқий, диний, синфий ақидаларастлик аёвсиз тарзда урчиган, кўп халқлар ва мамлакатларини машғум фалокатларга гирифтор қилган ҳолларини ҳам кўрди. Бундай ҳолларда мафкура томи остига яшириб ақидаларастлик иш кўрди ва ўта захарли постулатларни билан одамларни чалғитди, миллионлаб кишиларнинг ёстиғини қуритди. Синфий, диний, ирқий ақидаларастликни мафкура деб қарашимиз керакми? Балки бу нарсалар мафкура ниқобига бурканиб олиб, ўзини мафкура сифатида ниқоблаб, шунинг остида ёвуз амалларини бажарганда ёки амалларини иштиёқда бўлаётган-дир? Ҳар ҳолда ақидаларастликнинг мафкура тусига кириши кўп одамлар назарида мафкуранинг қадри — фойдани тушириб, уларни шундай «мафкурадан тамомилда бездириб қўйди.

(Давоми 2-бетда).

## СУҒУРТА БОЗОРИ

республикаимизда у қачон вужудга келадиган?

Ўтган йилнинг декабрь ойида бўлиб ўтган иккинчи чакриқ Олий Мажлисининг еттинчи сессиясида «Суғурта фаолияти тўғрисида»ги Қонун биринчи ўқишда қабул қилинди. Депутатлар уни муҳокама этаётган пайтда Президентимиз мамлакатимизда суғурта хизмати яхши ривожлантирилганлиги, суғурта бозорини вужудга келтириш борасида амалга оширилаётган ишлар шу куннинг талабига жавоб бермаслигини танқид қилдилар. Ҳўш, нималар тўқилиб қилмоқда? Маълумки, республикаимиз мустақилликка эришганидан кейин халқ ўжалигининг барча соҳаларида, шу жумладан, суғурта тизимини ҳам тўз ўзгартиришлар амалга оширилди. Хўсуван, 2000 йил мобайнида мамлакатимиз ҳудудда фаолият кўрсатаётган суғурта ташкилотларининг маблағи 30 фоиздан зиёд қўлайди. Ўтган йилнинг охирида ҳам тўз ўзгартиришлар амалга оширилди. Хўсуван, 2000 йил мобайнида мамлакатимиз ҳудудда фаолият кўрсатаётган суғурта ташкилотларининг маблағи 30 фоиздан зиёд қўлайди. Ўтган йилнинг охирида ҳам тўз ўзгартиришлар амалга оширилди. Хўсуван, 2000 йил мобайнида мамлакатимиз ҳудудда фаолият кўрсатаётган суғурта ташкилотларининг маблағи 30 фоиздан зиёд қўлайди.

## Долзарб мавзу

ойлик якундари бўйича уларнинг низоми капитални 7,3 миллиард сўмини ташкил қилди. Бу кўрсаткич 1997 йилга нисбатан 1,7 баробар, 1999 йилнинг олти ойига нисбатан 15 фоиз кўпир.

Айни пайтда мамлакатимизда 29 та суғурта компанияси фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг бештаси яқин-

(Давоми 2-бетда).

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

### Республика байналмилал маданият маркази ташкил этилганининг 10 йиллиги муносабати билан миллий-маданий марказларнинг бир гуруҳ фаолларини муқофотлаш тўғрисида

Мамлакатимизда миллатлараро тотувликни янада мустақамлашга, ёш авлодини ватанпарварлик, инсонпарварлик, мустақиллик туйғусига садоқат руҳида тарбиялашга, миллий-маданий марказларни тузиш ва фаолиятини ташкил этишга кўмаклашга ҳиссасини ушбу кундашларга фахрий унвонлар берилсин:

“Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси”  
Селеверстова Надя Георгиевна — Хоразм вилояти 1-спорт мактаби мураббийси, рус миллий-маданий маркази

“Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими”  
Нурматова Муножатхон Кўчқоровна — Республика байналмилал маданият маркази директори ўринбосари, Тошкент шаҳри

Миллий маданият, урф-одат ва анъаналарнинг ўзига хослигини сақлаш ва ривожлантириш, фуқароларнинг маънавий-ахлоқий эҳтиёжларини қондириш

йўлидаги самарали меҳнати ҳамда ижтимоий ҳаётдаги фаол иштироки учун куйидагилар муқофотлансин:

“Дўстлик” ордени билан  
Бегимбетова Нурия Айтбаева — “Прогресс” таълим ва тараққиёт маркази директори ўринбосари, Қорақалпоғистон Республикаси

Бозоралиев Маъмуржон — Тошкент вилояти Уртачирчиқ тумани “Машъал” газетаси муҳаррири ўринбосари, қирғиз миллий-маданий маркази  
Лян Ремир — талбиркор, Фарғона вилояти корейс миллий-маданий маркази раиси  
Расулов Карим Расулович — Республика байналмилал маданият маркази директори, Тошкент шаҳри

Султонов Бекмулат — нафақахўр, Қорақалпоғистон Республикаси туркман миллий-маданий маркази раиси  
Толбаев Умирзах Полатович — Жиззах вилояти қозоқ миллий-маданий маркази раиси  
Эрматов Шарофатхон — “Утелерадио” компаниясининг “Дўстлик” студиясининг бўлим мудири, Тошкент шаҳри

Ўзбекистон Республикаси Президенти  
И. КАРИМОВ  
Тошкент шаҳри,  
2002 йил 14 январь.

ҳар “Ориёна” тожик миллий-маданий маркази раиси ўринбосари

“Шухрат” медални билан  
Галушенко Ирина Георгиевна — Тошкент Давлат консерваторияси кафедра мудири, украин миллий-маданий маркази

Гарумянц Владимир Каспарович — нафақахўр, Самарқанд вилояти “Луи” арман миллий-маданий маркази раиси  
Жаулис Альгердас Броняус — нафақахўр, Тошкент шаҳар литва миллий-маданий маркази раиси ўринбосари  
Тодоров Николай Михайлович — Республика “Болалар” жағфармаси қошидаги “Меҳр-таянч” жағфармаси директори, Тошкент шаҳар болгар миллий-маданий маркази раиси

Халитов Рафаил Нигматович — Навоий кон-металлургия комбинати Марказий кон бошқармаси матбуот маркази бош муҳаррири, Зарафшон шаҳар “Нур” татар-бошқир миллий-маданий маркази ҳамраиси

Ийгилишида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси З.Хусниддинов катнашди.  
Н.УСМОНОВА,  
Ў.А. мухбири.



Марказ ташкилотчи бўлади

Республика Бадий академиясининг кўргазмалар залда «Шу азиз Ватан — барчамизники» деб номланган кўргазма ташкил этилди. Унда республикаликлар яшаб ижод этган турли миллатта манусиб санъаткорлар ўзларининг рангтаъсир, ҳайкалтарошлик ва графика асарларини намойиш этмоқдалар. Ташкил этилганнинг ўн йилгидини нишонлаётган республика Байналмилал маданият маркази кўргазма ташкилотчиси бўлди.

Мажмуа ХОЛМАТОВА, «Халқ сўзи» мухбири.

Аваллар учрашганда...

Кеча пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек туманидаги 64-ўрта мактабда ўтказилган кеча Ватан ҳимоятчилари кунига бағишланди. Республика фахрийлари уюшмаси, байналмилал жангичилар шунингдек, Тошкентнинг «Йулбарс», «Темур ўғлон», Чирчиқнинг «Танкичи» клублари аъзолари билан ўтказилган ушбу учрашувда мукаддас Ватан, она замин, унга фидойи фарзанд бўлиш фахр эканлиги ҳақида сўз борди.

Шаҳро ХОШИМОВА.

Толанинг қарида қўлаймоқда

Пойтуғ пахта тозалаш ҳисдорлик жамияти жамоаси кейинги пайтларда маҳсулот сифатига эътиборни кучайтирилганлиги боис у хорижий ишбилармонларга манзур бўлмоқда. Сифатли топа бўлган талаб ортди. Корхона ўтган йили Англия, Бельгия, Россия, Эрон, Корея ва бошқа қатор мамлакатларга 3868 тонна тола экспорт қилди.

О.ШОДНОМАЛИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.



Қайд этиш жоизки, ушбу лойиҳа яратилиши гоёсининг тарихи 1997 йилга бориб тақалади. Ушанда ЮНЕСКОнинг ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари Барри Лейн ва Франциянинг «Карвон сарой» ассоциацияси раҳбари Эрик Торк ўзбекистоннинг Европа мамлакатлари билан маданият ва таълим соҳаларидаги ҳамкорлигини янада мустаҳкамлаш мақсадида икки нафар италиялик олимга Марказий Осиё республикаларидан биридаги бир-бир тарихий ёдгорлиқни тасвирлаш лойиҳасини ишлаб чиқишни тавсия этишган эди.


Мадраса негизда «Меъморий ёдгорликлар ва шаҳарсозлик соҳасида мутахассис-

Брюсселдаги шаҳарсозлик, меъморчилик ва шаҳар манзараси халқаро марказида «КАРЕБУК» лойиҳасининг расмий тақдимот маросими бўлиб ўтди. Унда Бельгиянинг ижтимоий-сиёсий доиралари, мамлакатда аккредитация қилинган дипломатия корпуси вакиллари, журналистлар иштирок этди.

Бухоро ёдгорликлари бельгияликлар нигоҳида


Ушбу лойиҳа тақдимотининг тантанали очилиш маросимида Бухоронинг бош меъмори З.Қилчев тўпланганлар олдига сўзга чиқиб, шаҳар тарихи, Бухорода меъморий ёдгорликларни сақлаб қолиш юзасидан олиб борилаётган амалий ишлар ҳусусида сўзлаб берди.

Ж.ДЕҚОНОВ, «Жаҳон» АА. Брюссель.



Халқимизда «Сара уруғ — ҳосил бўлиқ» деган ажойиб мақол бор. Уруғни танлашда, унинг сифатига эътибор беришда гап кўп. Сирлар виллоятда ҳам ушбу муҳим ишга алоҳида эътибор берилмоқда. Бундан бир йил муқаддам Сирлар туманида «Малик уруғчилиқ чигит тайёрлаш» корхонаси фойдаланишига топширилди.

СУРАТГА: корхона бош муҳандиси Баҳодир Отажонов ва механик Бахтиёр Умаровлар тайёрлаб қўйилган уруғчилик чигитнинг сифати тўғрисида суҳбатлашмоқдалар. Нурмагом АЛИМУРДОВ олган сурат.



Республикада мадда ривожланаётган компьютерлаштирилган ва автоматлаштирилган Интернет тармоғининг коммуникатив алоқа вазифасидан кенг фойдаланиш сари йўл очиб берилмоқда. Ҳозир қатор давлат идоралари бу тармоқ хизматидан фойдаланишга қўлдан келтириш мақсадида «Тадбиркорлар бурчаги»ни ташкил қилди.

ЯНГИ ИНТЕРНЕТ ЛОЙИҲАСИ

ЮРТИМИЗДА АМАЛГА ОША БОШЛАДИ

Халқаро ташкилоти ўзбекистоннинг интернет маълумотлари билан Интернет орқали кенг тақдим ва тақлиф этишда кўмаклашишдан иборат. Мамлакатимизда бу сайт рувчиларга ўз маҳсулотларини Интернет орқали кенг тақдим ва тақлиф этишда кўмаклашишдан иборат.

лотицилари www.bozorg.uz да бериладиган маълумотлар ҳажмини кенгайтириб, экспортга мўлжалланган ўзбекистон маҳсулотлари ҳақидаги ахборот жойлаштиришни режалаштирган. Тадбир XXI асрда бозорга қўйилган асосий талаб — маҳсулот ишлаб чиқарувчилар томонидан доимий равишда бериб бориладиган тезкор ва ҳаққоний маълумотлар билан манфаатдор шахсларни таъминлаш, шунингдек ўзбекистон сармоя кiritиш ниятида бўлган тадбиркорларни ўзбек бозори билан таништиришда дадил қадам бўлади, десак аздашмайми.


Банк ва миқоз

Кейинги йилларда мамлакатимиз ҳаётида юз берган туб ўзгаришлар ўз моҳияти-эътибори билан асарларга татигуликдир. Дарҳақиқат, истиқлол шерофати билан халқимизнинг бағрига шомол теғди, галла мустақиллик давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Республикада ташкил этилган акционерлик тижорат «Галлабанк» ана шу ҳаётини эътиборининг маҳсулидир, десак хато қилмайми.

Банкнинг Самарқанд вилоят филиалида ҳар кун турли тоифадаги кишиларни учратиш мумкин. Уларнинг аксарияти галлачиликка ихтисослашган ҳўжаликлар, шу соҳага оид корхоналарнинг вакиллари. Кейинги йилларда банк миқозлари орасида тадбиркорлар ҳам кўпайиб қолди.

— Кичик ва ўрта бизнес субъектларини моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратаёلمиз, — дейди банк бошқарувчиси Мамашириф Ҳасанов. — Миқозларга замон талаблари даражасида хизмат кўрсатиш, уларнинг талаб ва тақлифларини ўрганиш мақсадида «Тадбиркорлар бурчаги»ни ташкил қилдик. «Ишонч» телефонлари орқали ҳар бир миқоз ўзини қизиқтирган саволларга жавоб олиши мумкин. Қарз-режа бўлими томонидан уларга малакали маслаҳат хизмати кўрсатишмоқда.

2001 йил давомида хусусий тадбиркорлар, кичик ва ўрта бизнес корхоналарини молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида банк томонидан 324 миллион сўм миқдорда кредит сармоясига ажратилди. Шу жумладан, банкнинг ўз маблағлари ҳисобидан 289 миллион сўм, бюджетдан ташқари жамғармалар ҳисобидан 35 миллион сўмлик кредитлар берилди. Бу маблағ асосан ишлаб чиқаришни кенгайтириш, қишлоқ ҳўжалиқ, қандолатпазлик маҳсулотлари, кенг истеъмол моллари ишлаб чиқариш, ҳўнармандчилик, уй-ўрғун буюмлари тайёрлаш, техника воситалари сотиб олиш учун йўналтирилмоқда.



ЎЗАРО ҲАМКОРЛИК тараққиётга йўл очаяпти

ерда 30 дан ортиқ қишлоқ ёшлари меҳнат қилишмоқда. Самарқанд шаҳридаги «Ҳосил-барака» хусусий ишлаб чиқариш корхонаси банкнинг бе-миннат хизматидан баҳраманд бўлаётган жамоалардан биридир. Банк корхонага 3000,0 минг сўм миқдорда кредит берди. Бу сармоя ҳисобига чорва моллари ва ем-хашак сотиб олинди.

кашлашга қаратилаяпти. Эл-юрт дастурхони маъмурчилигига муносив хисса қўйиш «Ҳосил-барака» чорвадорларининг эзгу муддаосидир. Пастдарғомлик хусусий тадбиркор Фаррух Отамурадов банкдан кредит олган, ишлари юришиб кетганини мамнулик билан қайд этди.

етиштираётган бўлса, бошқа биров чорвачиликни оёққа қўйиш ташвишида. Бундай мисолларнинг кўпайиб келтириши мумкин.

Айтиш жоизки, банк муассасаси шаҳар марказида эмас, балки чек-қароқда — Сартепа аҳоли манзилгоҳида жойлашган. Лекин эртаю кеч миқозларнинг қадами узилмайди. Чунки банкда хизмат сифати ва маданияти юқори. Ҳатто айрим қишлоқ туманларидаги корхоналар ҳам ўз ҳисоб рақамини шу ерда очилган.

Биз банкда республика Вазирлар Маҳкамасининг «Олий ўқув юрталарида тўлов-контракт асосида ўқиш учун таълим кредитлари бериш тўғрисида»ги қарори

ЎЗАРО ҲАМКОРЛИК тараққиётга йўл очаяпти

қандай баҳариланган билан қизиқдик. Маълум бўлишича, айни кунгача 16 нафар фуқародан таълим кредитлари бериш ҳақида ариза тушган. Уларнинг барчасида белгилаш миқдордаги маблағ ўтказиб берилган ва талаблари қондирилган.

Умуман олганда, банк кредитлари бугун виллоятнинг узоқ қишлоқларига етиб бораёпти. Кимдир ана шу маблағ туфайли мўл-кўл ҳосил

АФҒОНИСТОНДА ЎЗБЕКИСТОН БОШ КОНСУЛХОНАСИ ОЧИЛДИ

15 январь куни Афғонистоннинг Мозори Шариф шаҳрида Ўзбекистон Республикасининг бош консулхонаси очилди. Шу муносабат билан шаҳар марказидаги Тавосот кўчасида жойлашган консулхона биносида Афғонистон Ташқи ишлар вазирлигининг масъул ходимлари, шаҳар ҳокимлиги ва жамоатчилиги вакиллари, маҳаллий ва кўпжаб хорижий журналистлар тўпланди. Илгари ҳам шу бинода Ўзбекистон бош консулхонаси жойлашган бўлиб, толиблар ишғол қилганидан кейин ёпилган ва вайрона ҳолига келган эди. Бино қисқа вақт ичида аввалгидан ҳам кўркамроқ бўлиб қайта қад ростланди.

Консулхона очилишига бағишланган тантанали маросимни Афғонистон Ташқи ишлар вазирлигининг шимолий ҳудудлар бўйича вакили Саид Нурулло очиб, бу воқеа икки кўшни ва дўст давлатнинг ташқи фаолиятида муҳим аҳамият касб этишини таъкидлади.

Ўзбекистон Республикасининг Мозори Шарифдаги консули этиб тайинланган Алишер Аҳмаджонов Афғонистонда толиблар ҳўкўрмонлик қилган йиллар давомида давлатларимиз ўртасида дипломатик алоқалар узил-қолгани, бугун эса яхши қўшничилик ва дўстона алоқаларни тиклаш учун имкониятлар пайдо бўлганини таъкидлади. Консулик мамлакатларимиз манфаатларига, узоқ йиллик уруш туфайли издан чиққан Афғонистон иқтисодини тиклашга, халқаро инсонпарварлик ёрдами сифатида келаётган юкларнинг Ўзбекистон ҳудуди орқали ўзлуқсиз ўтиб туришини таъминлашга, савдо-сотик ва сайёҳликни ривожлантиришга ва бошқа кўпгина хайрли ишларни амалга оширишга хизмат қилишини қайд этди.

Маросимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Афғонистондаги махсус вакили, ташқи ишлар вазирлигининг биринчи ўринбосари Солиқ Сафоев бу тадбир мамлакатларимиз учун тарихий воқеа бўлишини таъкидлади. Афғонистонда биринчилардан бўлиб Мозори Шарифда Ўзбекистон Республикасининг бош консулхонаси очилишида Президент Ислам Каримовнинг хизматлари катта эканлиги алоҳида қайд этди.

Давлатимиз маҳдўяси янгради, Афғонистондаги бош консулхонамиз узра мамлакатимиз байроғи кўтарилди. Маросим сўнггида оммавий ахборот воситалари вакиллари учун матбуот анжумани ўтказилди.

Чори Тўхтаев, ЎЗА махсус мухбири.

ПЕДАГОГИК КУТУБХОНАЛАР АССОЦИАЦИЯСИ

Ўзбекистон педагогик кутубхоналар республика ассоциацияси тузилди. Ўзбекистон Халқ таълими вазирлигининг республика илмий-педагогик кутубхонаси саъй-ҳаракати билан ташкил топган мазкур уюшма «Таълим тўғрисида»ги Қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури талаблари асосида иш юритиб, мамлакатимизда педагогик кутубхоналар ишини мувофиқлаштириш ҳамда улар фаолиятини янада яхшилаш билан шуғулланади.

А. АЛИЕВ.

ЎЗАРО ҲАМКОРЛИК тараққиётга йўл очаяпти

АҚШ доллари миқдорда кредитлаш жамоа фаолиятида туб бурилиш ясаш имконини берди. Янги ишлаб чиқариш тизимлари яратилди, тайёрланаётган маҳсулотларнинг сифати жаҳон андозалари даражасига етказилди.

Корхона бу сармояга чинни маҳсулотлари ишлаб чиқариш учун Россия Федерациясидан юқори иссиқлик чидамли ғишт, Германиядан ранг-таъсир ускунаси, Украинадан бир неча турдаги материал-хомашё сотиб олди. Абатта, ички имкониятлар ҳам ишга солинмоқда. Тадбиркорлар бу борада асосан маҳаллий хомашёдан фойдаланишни режалаштиришга ятти. Тайёрланаётган маҳсулотларнинг 40 фоизи Қозғоғистон, Тожикистон ва Қирғизистон Республикаларига экспорт қилинади. Энг муҳими, янги ишлаб чиқариш тармоғини барпо этиш орқали 50 киши доимий меҳнат билан таъминлаш имконияти туғилди.

— Фаллачилик амалиётини молиялаштириш бизнинг биринчи галдаги вазифамиздир, — дейди М. Ҳасанов. — Қишлоқ ҳўжалигида амалга оширилаётган туб ишловлар банк ва миқоз ўртасидаги муносабатларни такомиллаштиришни тақозо этмоқда. Зимамизга юклатилган ана шу муҳим вазифани бекум қўзда тулади, фермер ва ишбилармонларнинг яқин мадақдори бўлиш учун ички имкониятлардан тўлиқ фойдаланишга ҳаракат қилаёلمиз.

Мақсадимиз — виллоятнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётига муносиб хисса қўйиш, банк хизматини замон талаблари даражасида ташкил этишдан иборатдир.


Абдурусул САТТОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ЎЗАРО ҲАМКОРЛИК тараққиётга йўл очаяпти

Мижозларни эътиҳожига яраша кредитлар билан таъминлашда аҳолининг узоқ муддатли омонатларини жалб қилиш муҳим аҳамият касб этаёпти. Бу борада реклама хизматининг ролини ҳам таъкидлаб ўтиш лозим. Ҳозирги кунда банк фаолияти оммавий ахборот воситалари орқалигина эмас, балки миқозларнинг бевосита ўзлари томонидан ҳам кенг тарғиб қилинаёпти. Хизмат савиясининг йилдан йилга ошиб бораётгани ана шу сингари табиий «реклама»ни юзага келтираёпти.

Яна бир ибратли томони — чет эл инвестицияларини жалб қилиш бўйича амалий ҳаракатларнинг бошланғичлигини таъкидлади. «Дилшод-С» хусусий савдо-ишлаб чиқариш фирмасини 100 минг

Санъатга бахшида умр



Фақат Ўзбекистонда эмас, олис хориз кино муҳлислари олқишларига ҳам сазовор бўлган санъаткор Зикир Мухаммаджоновнинг саксон йиллик таваллуди яқинда Ўзбекистон Миллий академик драма театрида нишонланди.

замонавий қаҳрамон образини яратиш унга тинчлик бермасди. Унинг фикрича: «оддий одамлар шундай қаҳрамонликлар кўрсатса-ю, адабиёт, санъат бундан четда тургандек бўлса, деб хижолат чексан. Менга қолса замоннинг иймонли, эътиқодли қаҳрамонлари саҳнамиз тўрида турса...». У ана шундай замон қаҳрамонлари: Ч. Айтматовнинг «Сарвиқомаг дилбарим» дра-

«Улўбек хазинаси» видеофильмидаги бош қаҳрамон — буюк мунажжим Мирзо Улўбек образи А. Хўжаевнинг Навоийси каби томошабин қалбига тарихий ва бадиий ҳақиқатнинг муҳассами сифатида муҳланган.

Санъаткорга хос бўлган меҳнат-севарлик, камтаринлик, тиниб-тинчимаслик унинг саҳна, кино ва телеэкранларда яратган сон-саноксиз образларига хос хусусият бўлиши билан бирга кундалик ҳаётини ҳам беэза турган фазилатларидир.

У «Ўзбекфильм» киностудиясида дубляж қилинган талай фильмларга овоз бери. Сўнгги йилларда ўзбек телевидениесида таниқли ўзбек ёзувчиларининг асарлари асосида ўнлаб машҳур видеофильмлар дунёга келдики, уларнинг кўпчилигида З. Мухаммаджонов бош ролларни ижро этди. «Навоий» видеофильмидаги Хусайн Бойқаро, «Улўбек хазинаси»даги Мирзо Улўбек, «Имон»даги профессор Комилов, «Бобур»да Хондамир ва бошқа образлар ҳаётини, катта жозибаси, ишонтириш кучининг зўрлиги жиҳатидан алоҳида диққатга сазовордир. Республика радиосида тайёрланган бир қатор радиоспектакль ва радиопостановкаларда ҳам санъаткор асосий ролларни ижро этди. Матбуотда театр ва санъат муаммоларига оид чиқишлар қилаётди.


Таниқли ўзбек театри ва кино актёрининг серкйра ва сермазмон ижодий фаолияти «Ўзбекистон ҳақ артисти» унвони, Давлат мукофотлари билан тақдирланган. Мустиқилликнинг саккизинчи йилида у Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонида биноан «Буюк хизматлари учун» орден билан мукофотланди. Зикир Мухаммаджоновнинг биз ҳар кун метрода, газета редакциясида, радиода ва бошқа ижодий даргоҳларда учратамиз. Ва актёр ҳали кўп йиллар ўз ижоди билан муҳлисларини шод этаверади, деган фикрдан кўнглимиз довлорлар ортдаги чироқ каби равшан тортаверади.

Тоир ИСЛОМОВ, санъатшунослик фанлари номзоди, профессор.

«ИМОН АЛ-БУХОРИЙ САБОҚЛАРИ»

Янги йил арафасида «Имом ал-Бухорий сабоқлари» журналининг тўртинчи сони ўқувчиларга тақдим этилди. У XXI аср вабоси, деб номланган халқаро терроризмга қарши курашга бағишланган. Бош муҳаррир З. Мунавваровнинг «Замоннинг ўзи — буюк муаллим» мақоласида халқаро хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш, терроризмга қарши курашдаги Ўзбекистоннинг ўрни ҳақида сўз боради.

«Абадий барҳат китоб» рункидаги «Анджон Куръони?»



номли мақолада андиқонлик Мир Сайид Икромнинг авлодлари хатида хабар қилинган Куръони каримнинг йўқолган салкам Х асрик нусхаси тўғрисида ҳикоя қилинган.

«Муҳаддишлар султони» рункидаги ҳиндистонлик олим аш-Шайх Абдуллоҳ ал-Муборакфурийнинг «Сийрат ал-Имом ал-Бухорий» (Имом Бухорийий сийрати) номли китоби таржимасида Абу Абдуллоҳнинг ҳаёти билан боғлиқ тарихий ҳикоялар келтирилган.

«Бизнинг мулоқот» рункидаги «Тараққиёт кушадиси» деб номланган сўхбатда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурдаги Давлат ва жаҳият қурилиш академияси ректори, профессор Алишер Азизхўжаевнинг халқаро терроризм ҳақидаги мулоҳа-

залари, унга қарши курашда дунё ҳамжамияти олдига турган вазифалар атрофида баён этилган.

Шунингдек, «Терроризм — XXI аср вабоси» рункида сиёсий фанлар доктори, Рустам Жумаевнинг «Янги синовлар олдига», Абдулқадир Мансурнинг «Куръон ва Суннат кўпуровчилик ва тажовузкорликка қарши» Исмоил Ҳожи ўғли Ҳожи Омонуллоҳнинг «Аллоҳ тажовузкорларни семайд», тарих фанлари номзоди Дилфуза Ҳабибуллоевнинг «Ўзбекистон — халқаро терроризмга қарши» мақолалари, Россия табиий фанлар ҳамда БМТ ҳузурдаги Информацион ҳимоя халқаро академияларининг академиги Валерия Прохорова билан «Айб Куръонда эмас» номли сўхбат берилган. «Терроризм: илдо ва ҳақиқат» номли қўлланмадан олинган лавҳа ушбу рункига яқин ясаган.

Марҳума шарқшунос оlima А. Рауфованинг «Шайхонтоҳур макбарасидаги муҳим қабр», Нурбег Тошев таржимасидаги А. Жувайнинг «Тарихи Жаҳоншўи» асаридан келтирилган лавҳаларда эса асл манбалар асосида тарихимизнинг беэза саҳифалари ёритилган.

Журнал ичидаги «Имом ал-Бухорий авлодлари» ёшлар журналида фалсафа фанлари номзоди Зухриддин Хуснидновнинг «Дин ва диний экстремизм: го ва манфатлар кураши», Уйғун Рауфовнинг «Имом Бухорий номиди Тошкент ислом институти», Ҳожимурод Одиқориевнинг «Диннинг давлатдан ажратилганлиги нимани аниқлатади?», Маъфура Мухамедованинг «Ёшлар билан суҳбат» синга-ри бир қатор мақолалари берилган. «Терроризмни қоралаймиз» ва «Террорчилик — инсоният душмани» номли мақолаларда келажакимиз соҳибларининг террорчиликка қарши фикр-мулоҳазалари баён этилган.

Журнал якунида жамғарма томонидан нашр этилган «Замонамиз уламолари», «Маҳалла одоби», «Сўфи Оллоёр» илоҳийти» номли китоблар ҳақида қисқача маълумот берилган.

«Умид ниҳоллари» кундалиги

ИСТЕЪДОДЛАР КАШФ ЭТИЛМОҚДА

Ҳар томонлама баркамол авлодни шакллантириш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар орасида «Умид ниҳоллари» спорт ўйинларининг ўрни, нуфузи тезла ошиб кетди. Бунинг Навоий вилоятида бўлиб ўтаётган мусобақалар ҳам яққол исботланди.

Қиши таътил кунлари 3 та шахар, 6 та тумандаги барча қулайликларга эга бўлган спорт иншоотлари ёшлару, ашадий ишқибозлар билан тўлиб-тошди. 8 тур бўйича баҳслар шиддатли тус олди. Фоят мураси-сиз ўтган курашларда янги натижалар, янги истеъдодлар кашф этилди.

Волейбол, қўл тўпи, футбол бўйича Навоихор тумани мактаблари қизлар командалари голибликни қўлга киритишган бўлса, ўғил болалар ўртасидаги баҳсларда Қизилтепа, Хатирчи туманлари ўқувчилари биринчи бўлишди. Миллий кураш Нуротда кенг оммалашаётгани сезилди. Стол тенниси, шахматда хатирчиликларнинг қўли баланд келди. Ҳуллас, спортнинг барча турлари бўйича голиблик аниқланди.

Эндиги навбат — Фарғонада ўтайдиган якунловчи босқич мусобақаларига.

Ўз муҳбиримиз.

Advertisement for Makita power tools, listing various models and contact information.

Advertisement for Sharifa company, providing contact details and services.

Advertisement for 'Xalq S'uzi' newspaper, mentioning its status as a national word.

Advertisement for the head editor, Abbosxon Usmonov.

Advertisement for the editor-in-chief, Zohir Hayati, listing other staff members.

Advertisement for various educational and cultural materials, including books and magazines.

Advertisement for Uzbekistan Republic State Lottery, listing prizes and contact info.

Advertisement for Nabvat magazine, listing its content and contact info.

Advertisement for Manzilimiz, listing services and contact info.

Advertisement for a printing service, listing materials and contact info.

Advertisement for Sharq company, listing services and contact info.

Advertisement for a printing service, listing contact info and prices.

ДОВОНЛАР ОРТИДАГИ ЧИРОК

XX асрнинг қўсқа бир муддати ичида ўзбек миллий драма театри тарихида олтин саҳифалар битган Маннон Уйғур ва унинг издошлари Абдор Ҳидоятон, Обид Жалилов, Шукр Буржонов, Олим Хўжаев, Мария Кузнецова, Сора Эшонтураева билан бирга тўлақонли ижодий ҳамкорлик қила олган, уларнинг ижодий мактабини ўтаган, услубиятини мукамал ўзлаштирган ва мана олган илдири, шу аънанани давом эттириб келатган санъаткор З. Мухаммаджоновдир.

Зеро, актёр устозларга ўхшаб театр саҳнасида юлдуз бўлиб қирмаган эди. Санъаткорнинг ижодий йўли тинимсиз меҳнат, чексиз изланишлар, қийинчиликларни енгиб ўтиш, камтарлик ва инсонийликка асосланган фидойиликнинг намунаси. Бу хусусиятлар ҳам Уйғур ижодий мактабининг хос белгиси. Зикир ака «Ўзим кўрган-билганларим» китобида «Ога шундай бир синчков режиссёр эдики, ҳар бир образини қанақалигига қараб тил талфизузидаги фарқини ақл эштиришга интиларди» — деб ёзган.

Унинг биринчи йиллик ижодий иши «Жалолдин Мангуберди» спектаклидаги Темур Малик образи шу ролнинг биринчи ижорчиси бўлган буюк А. Ҳидоятоннинг шахсан тақлифи ва кўмаги билан дунёга келган. Сўнг «Шохи сўзана», «Ганг дарёсининг қизи», «Фурқат» спектаклларида етакчи роллар ижро этиб, утган асрнинг эллитинчи йилларидаёқ театр репертуаридан мустақкам ўрин эгаллаган артист даражасига эришди.

Спорт

НАВБАҲОРДАН ЧЕМПИОН ЧИҚАДИ

Навбаҳор туманида қаратининг ишқибозлари кўлайиб кетди. Қайси қишлоққа борманг, спортнинг ушбу тури билан шуғулланаётган ёшларга дуч келасиз. Туманда фаолият кўрсатаятган «Самурай» профессионал клубининг номини ёш-қари яқин билди. Клуб президенти — туман ҳокими, Олий Мажлис депутати Фароит Облоқулов барча шарт-шароитларни яратиб бериш, ёшларни спортга оммавий жалб этиш орқали аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғибот қилишни муҳим вазифаси деб билди.

Маждуд 12 та ширкат ҳўжалитининг ҳар бирда юзлаб ёшларни бирлаштирган гуруҳларда машғулотлар қатъий режа асосида олиб борилаётди. Мураббийлар ҳам шу ерлик ёшлар. Бош мураббий Отабек Акрамов Ўзбекистон қаратин миллий федерациясининг президенти, қора белбоғ 6-дан соҳиб Нурхон Нафасовдан йўл-йўриқ олиб туришни қанда қилмайди. Навоий шаҳридаги «Нур-хас» қаратин мактаби асосини, қора белбоғ 12-дан соҳиб Ҳасан Назаров Навбаҳорда тез-тез бўлиб, клуб ишига ёрдамлашмоқда. Бултур вилот миқдонида уч кунлик ўқув-семинар машғулотларининг айнан шу туманда ўтказилиши ҳам бежиз эмас.

— Спорт оламида шарқ яқса кураши турлари ўзига хослиги билан ажралиб туради, — дейди «Нуроний» жамғармаси туман бўлими раҳбари Ҳамро Пулатов. — Ёшларимиз ўртасида спортнинг бу тури тарихий тартиб этиш, оммалаштириш ва ривожлантириш борасида шунча хайри ишлар амалга оширилатганидан қувонмай бўладими. Машғулотларда кўплаб ота-оналар ҳам қатнашиб, фарзандларининг маҳоратларини томоша қилишга тинимсиз гувоҳман. Айтиш мумкинки, қаратин ёшларни нафақат жисмоний жиҳатдан чинқитиради, балки маънавий камолотга эришишларида ҳам муҳим аҳамият касб этади. Уларнинг ўзaro муносабатларидан ҳам бунинг илғаб олиш мумкин.

Тўғри, Навбаҳордан ҳали номдор қаратинчилар чиққан эмас. Аммо, Фахриддин Турсунов, Завқи Омонов, Анвар Рўзиқулов, Акрам Абдурахимов каби ёшларнинг алоҳида қирралари кўриниб қолди. Бир қатор мусобақаларда фахрли ўринларни эгаллашди. Вилот шароитини ҳимоя қилаётганлар анга.

Энг муҳими, ёш қаратинчилар жисмонан чинқичи билан бирга маънавий етук, қомил инсон бўлиб вояга етаётганлиги барчани қувонтирмоқда. Абдуваҳоб ПИРМАТОВ, «Халқ сўзи» муҳбири.

Эътироз

ФАРЗАНДИМИЗГА ИСМ ҚҲЙДИК, ЛЕКИН...

Ҳаётда инсон учун бахтли оилалардан бири бу фарзандли бўлиш. Олоҳқа минг қатла шукри шундай бахтга 2000 йил 7 июлда муяссар бўлдим. Шу кун фарзандим дунёга келди.

Фарзандим бўлган ота-онанинг энг биринчи вазифаси боласига қирийли исм танлаб қўйишдир. Шунинг учун ҳам биз фарзандимизга яхши ният билан Нурмуҳаммад деб исм қўйдик. Фамилиясига эса отанинг исмиларини бериб, Нурмуҳаммад Умаржоний демоқчи бўлдим. Аммо Марғилон шаҳар фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш бўлими мудирига бунга рухсат бермади. Бундай қўшмачили фамилияларини ёзишга рухсат берилмаган деб ўғлимнинг фамилиясини биз истамасак ҳам Умаров деб ёзиб қўйди. Биз эса юқоридики кайд этилган миллий қўшмачили фамилия гувоҳномада қайд этилишини жуда хоҳлар эдик.

Тўғри, исм-шарифларимиз уша турмушда диворига бузилган ҳолда, -ов, -ович, -ова, -овна қўшмачили билан қайд этилган. Лекин биз ўзбекларнинг ўзимизга хос, ота-бобаларимиздан мерос қолган қўшмачили миллий фамилияларимиз

борку. Нима учун биз катталарни исм шарифларимиз бузилиб ёзилганига яраша дунёга келатган ёш авлодларимизни ҳам бузилиши керак?! Давлат тили тўғрисидаги қонуннинг 15-моддасида Ўзбекистонда яшовчи шахслар, миллатидан қатъий назар, ўз исмини, ота исми ва фамилиясини миллий-тарихий аънагаларга мувофиқ ёзиш ҳужуқига эга, деб ёзилган. Ҳатто баъзи қонуний ҳужжатларда исмга уларнинг тутилган жойи қўйилиб ёзилиши мумкинлиги таъкидлаб ўтилган. Масалан: ал Нурота, Самарқандий, Сайрабий ва х.к. Шундай экан нима учун Марғилон шаҳар ФХДЕ бўлими бунга амал қилмай иш юритади. Эссиз, қанча-

Advertisement for 'Xalq S'uzi' newspaper, listing subscription rates.

Advertisement for 'Xalq S'uzi' newspaper, listing subscription rates.

Advertisement for 'Xalq S'uzi' newspaper, listing subscription rates.

Advertisement for 'Xalq S'uzi' newspaper, listing subscription rates.

Advertisement for 'Xalq S'uzi' newspaper, listing subscription rates.

Advertisement for Lokolor Sinter, listing contact information and services.

Advertisement for 'Xalq S'uzi' newspaper, listing subscription rates.

Advertisement for 'Xalq S'uzi' newspaper, listing subscription rates.

Advertisement for 'Xalq S'uzi' newspaper, listing subscription rates.